

# **Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида**

## **ШАРТНОМА № 41096**

Тошкент ш.

2022 йил “31” 08

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “YO’L LOYIHA” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-000215, АЛ-000637- сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор С.Х.Саидхмедов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргалиқда “Гарофлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 25-августдаги 139105-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуидагилар тўғрисида туздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Қорасув 13-й олди, Қорасув 29В-й олди, Қорасув 29Б-й олди, Авиасозлар З-мавзе 42-й олди, Авиасозлар З-мавзе 43-й олди, Авиасозлар З-мавзе 41-й олди, Мумтоз Зпр. 1-й олди, Мумтоз Зпр. 2-й олди, Мумтоз Зпр. 3-й олди, Мумтоз Зпр. 4-й олди, Мумтоз Зпр. 5-й олди, Мумтоз Зпр. 6-й олди, Мумтоз Зпр. 7-й олди, Мумтоз Зпр. 8-й олди, Мумтоз Зпр. 9-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 4-й олди, Тойтепа 2-й олди, Истикбол 25-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 5-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 2-й олди худудларини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилис)” обьекти учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар аниқланса, келтирилган заар бажарувчи томонидан қопланади.

### **2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ККС билан**) 49 900 000 (Кирқ тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета хужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета хужжатларидан факат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қиласа, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиши муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустакил эксперталрга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судъяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл кўйилади.

8.3. Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктириса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўtkазилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага куйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БЮОРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING  
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили: Ташкента  
100027 Тошкент ш., И. Каримов кўчаси,  
16а-уй. ОКОНХ 69000  
304521860262777045129118090



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

### БАЖАРУВЧИ

“YO’L LOYINA” МСНJ

Юридик манзили:

111809 Тошкент ш. Шайхантхурский  
район, 1-й проезд Махтумкули, 1

Х/Р 2020 8000 4051 0862 6001

АКИБ “Ипотека банк”

Тошкентский филиал: МФО: 00419

ИНН: 306 625 177



Директор

С.Х.Саидхмедов



2022й.

## Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Қорасув 13-й олди, Қорасув 29В-й олди, Қорасув 29Б-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 42-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 43-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 41-й олди, Мумтоз Зпр. 1-й олди, Мумтоз Зпр. 2-й олди, Мумтоз Зпр. 3-й олди, Мумтоз Зпр. 4-й олди, Мумтоз Зпр. 5-й олди, Мумтоз Зпр. 6-й олди, Мумтоз Зпр. 7-й олди, Мумтоз Зпр. 8-й олди, Мумтоз Зпр. 9-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 4-й олди, Тойтепа 2-й олди, Истикбол 25-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 5-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 2-й олди худудларини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни куриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса).”

объектиниг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

## БАЁНИ

### Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

## КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Қорасув 13-й олди, Қорасув 29В-й олди, Қорасув 29Б-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 42-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 43-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 41-й олди, Мумтоз Зпр. 1-й олди, Мумтоз Зпр. 2-й олди, Мумтоз Зпр. 3-й олди, Мумтоз Зпр. 4-й олди, Мумтоз Зпр. 5-й олди, Мумтоз Зпр. 6-й олди, Мумтоз Зпр. 7-й олди, Мумтоз Зпр. 8-й олди, Мумтоз Зпр. 9-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 4-й олди, Тойтепа 2-й олди, Истикбол 25-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 5-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 2-й олди худудларини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни куриш.(АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС объектга талаб этилса).”

объекти бўйича (кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 139105 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнода электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “YO'L LOYINA” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси З-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 августдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги Қорасув 13-й олди, Қорасув 29В-й олди, Қорасув 29Б-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 42-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 43-й олди, Авиасозлар 3-мавзе 41-й олди, Мумтоз Зпр. 1-й олди, Мумтоз Зпр. 2-й олди, Мумтоз Зпр. 3-й олди, Мумтоз Зпр. 4-й олди, Мумтоз Зпр. 5-й олди, Мумтоз Зпр. 6-й олди, Мумтоз Зпр. 7-й олди, Мумтоз Зпр. 8-й олди, Мумтоз Зпр. 9-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 4-й олди, Тойтепа 2-й олди, Истикбол 25-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 1й проезд 5-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 3-й олди, Садықа Азимова 5й проезд 2-й олди худудларини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш. (АРТ 1-2, топохарита ва ЗВОС обьектга талаб этилса).” объектиning лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “YO'L LOYIHA” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### Комиссия аъзолари.



С. Сагдиев



Ш. Кодиров



О. Хамидов



П. Абдулсатторов



М. Холматова

"Гасдиклійман"

БИРЧИ  
УРИБОСАР

SHAHAR

Түнкөнт шаэрхөгжлийн "Японь буюутмачи хизматы" ИКИИНЕ

Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПК-249-сонли кароридан шакар көнгаличининг 2022 йил 8 августдаги VI-68-206-4-0-K722-сонаштигига ташаббуси туттаглари ошикети шакар көнгаличининг 2022 йил 18 майдаги ПК-249-сонли кароридан шакар көнгаличининг 2022 йил 8 августдаги VI-68-206-4-0-K722-сонаштигига ташаббуси туттаглари ошикети

00БЕКІЛГАРНИЙ КУРИШ ОУИЧА

карори

卷之六

| № | Объекты норм на местном уровне   | 2022 Виды физкультурно-оздоровительной деятельности |        |       |       |                               |        |        |       |
|---|--|---|--------|-------|-------|-------------------------------|--------|--------|-------|
|   |  | Тотальное управление                                |        |       |       | Специализированное управление |        |        |       |
| 1 | Железнодорожная инфраструктура   | 1   | 2      | 3     | 4     | 5                             | 6      | 7      | 8     |
| 1 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 0,000   | 0,000  | 0,000 | 0,000 | 4 345,274                     | 0,000  | 0,000  | 0,000 |
| 1 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 0,000   | 0,000  | 0,000 | 0,000 | 29,242                        | 0,000  | 0,000  | 0,000 |
| 2 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 65,436                        | 65,436 | 29,242 |       |
| 3 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 21,340                        | 21,340 |        |       |
| 4 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 58,425                        | 58,425 |        |       |
| 5 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 46,556                        | 46,556 |        |       |
| 6 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 40,713                        | 40,713 |        |       |
| 7 | Транспортный комплекс железнодорожного транспорта и железнодорожных грузовых перевозок | 2022Н   | област |       |       | 59,655                        | 59,655 |        |       |



Л.Н.Исмагулаев  
2022 й.